

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Қалбакилаштирилган ва муддати ўтган товарлар мусодара қилинади

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддасига тузатишлар киритилди (22.10.2018 йилдаги УРҚ-503-сон Қонун).

Биринчидан, МЖТКнинг 178-моддаси 7-қисмида назарда тутилган жавобгарлик кенгайтирилмоқда. Қуйидагилар учун ҳам жарима солинади:

➤ истеъмолчиларни товарнинг истеъмолга оид хусусиятлари ёки сифати хусусида жалғатиш;

➤ товарни унга ўхшаш маҳсулотлар билан алмаштириб қўйиш;

➤ маҳсулотнинг хусусиятлари ва сифатини қасддан ўзгартириш;

➤ қалбакилаштирилган озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, олиб кириш ва реализация қилиш.

Бир вақтнинг ўзида норматив ҳужжатлар талаб-рига жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчиларга зарар етказиш, шунингдек уларга товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида ахборот тақ-

дим этмаганлик ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун ҳозир назарда тутилган санкция қўлланишда давом этади.

Юқорида санаб ўтилган ҳаракатлар учун жарима фуқаролардан 3 ЭКИХдан 7 ЭКИХгача ва мансабдор шахслардан 7 ЭКИХдан 10 ЭКИХгача миқдорни ташкил этади.

Иккинчидан, МЖТКнинг 178-моддаси 7.8 ва 9-қисмларидаги санкциялар сирасига ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиш қўшилди. Шу тариқа, жарима билан бир вақтнинг ўзида товар – алмаштириб қўйилган, қалбакилаштирилган ва яроқлилик муддати ўтган ёки ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган товар (дори воситалари ва тиббий буюмлар, озиқ-овқат маиший кимё товарлари, тахр.) мусодара қилинади. Бу кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар такроран содир этилишига ҳам тааллуқли, яъни улар ҳал содир этилганда товарлар мусодара қилинади.



Мазкур тоифадаги ишлар маъмурий суд томонидан кўриб чиқилади. Мусодара қилишни Мажбурий ижро бюросининг давлат ижрочилари амалга оширадilar. Бироқ муайян шароитда санкциялардан қутулиб қолиш мумкин.

Агар ҳуқуқбузарлик биринчи марта содир этилган, фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилмаган, сотувчи (тадбиркорлик субъекти ёки унинг ходими) ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан 30 кунлик муддатда йўл қўйилган бузилишларни ихтиёрий равишда бартараф этган (масалан, товарларни пештахтадан олиб ташлаган) ва етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган (масалан, харидорларга пулни қайтарган) бўлса, унга нисбатан ишни юритиш бошланмайди, бошланган иш эса тугатилади (МЖТКнинг 271-моддаси 11-банди).

Почта орқали 5 минг долларгача экспорт – ортиқча қоғозбозликсиз

Интернет тармоғи орқали битта инвойс бўйича 5 минг АҚШ долларигача товар ва хизматларни экспорт қилиш бўйича битимлар ёзма шартнома тузиш, ТСОЯЭАТга ахборот киритиш ва БЮДни расмийлаштиришни талаб этмайди (Президентнинг 30.10.2018 йилдаги ПФ-5564-сон Фармони).

Эслатиб ўтамоқчи, Президентнинг 19.02.2018 йилдаги ПФ-5349-сон Фармонида биноан 2018 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик субъектлари товарлар, ишлар (хизматлар) экспорт қилинганлиги учун экспорт шартномаси тузмасдан ва банк комиссияси ундирилмасдан, Интернет тармоғидаги электрон савдо майдончалари

орқали, Ҳукумат томонидан белгиланадиган товарлардан ташқари, товарлар, ишлар (хизматлар) экспортини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Энди ташқи савдо почта айланмасида битта инвойс бўйича бундай битимларнинг миқдори 5 минг АҚШ доллари миқдорида чеклов ўрнатилди, шунинг-

дек қўшимча шартлар: тўловни халқаро тўлов тизими орқали қабул қилиш ва товарларни Почта алоқа хизматлари кўрсатиш қоидалари бўйича юбориш жорий этилмоқда. Бундан ташқари, аниқлаштирилишича, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига битим тўғрисидаги маълумотларни киритиш талаб этилмайди, юннинг божхона декларацияси эса расмийлаштирилмайди.

Параллел равишда жисмоний шахслар томонидан товарларни божхонада декларацияламасдан олиб чиқиш нормаси 5 минг АҚШ долларигача оширилди. Илгари Президентнинг 6.02.2018 йилдаги ПҚ-3512-сон қарорига асосан у 3 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланган эди.

Корпоратив пластик карточка ёрдамида ҳисоблашаётганда ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиринг

Президентнинг 30.10.2018 йилдаги «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5564-сон Фармонида юридик шахслар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни расмийлаштиришнинг янги тартиби назарда тутилган.

2018 йил 1 ноябрдан бошлаб юридик шахслар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар ўртасида корпоратив банк карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар олди-сотди шартномаларини тузмасдан инвойс (ҳисоб-фактура) бериш орқали амалга оширилади.

Ҳозир Солиқ кодексининг 222-моддаси ва Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомда (18.04.2005 йилда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган) корпоратив пластик карточка ёрдамида ҳисоблашишда ҳисобварақ-фактурани рас-



мишлатириш масаласи аниқ тартибга солинмаган. Амалиётда ушбу вазиятда сарфланган маблағлар тўғрисидаги ҳи-

2-бетда

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

УМШга доир янги қонун лойиҳасида барча муаммолар ҳал этилганми?

8-БЕТ

«АвтоНорма»: жарима ва жавобгарликлар оширилди

Чекловсиз прописка

Корпоратив пластик карточка ёрдамида ҳисоблаётганда ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиринг

1-бетда сособот ва терминаллар кватанцияларининг асл нусхалари (майда улгуржи йул билан харид қилишда – товар счётини илова қилган ҳолда) бошланғич ҳисоб ҳужжатлари бўлиб хизмат қилган. Кимдир ҳисобварақ-фактураларни ихтиёрий равишда расмийлаштирган, кимдир эса – йўқ. Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 222-моддаси ҳамда Ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш тартибида (22.03.2013

йилда 2439-сон билан рўйхатдан ўтказилган) улар яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тақдим этилиши назарда тутилмаган.

Шу ўринда, қўшилган қиймат солиғини тўловчилар доирасини кенгайтириш режаларини иноватга олган ҳолда, корпоратив карталар бўйича ҳисоб-китобларни расмийлаштиришда ҳисобварақ-фактураларнинг тақдим этилиши «ҳаётий заруратга» айланмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҚҚС тўлаётганлар

учун бу янгилик харид чоғида банк карталарини қўллашни кенгайтиришда ёрдам беради, сабаби фақат ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш ва ҚҚСни ҳисобга олиш учунгина товарни ишлаб чиқарувчи билан боғланиш ёки улгуржи савдога лицензияси (дарвоқе, у 1.01.2019 йилдан бекор қилинади) бўлган контрагентни излаш, шартномалар тузиш, тўлов топшириқномалари воситасида тўловларни амалга ошириш керак бўлмайди. Бу келгусида мазкур солиқни тўловчилар учун ҳам фойдали бўлиши аён.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 23.10.2018 йилда эълон қилинган, тузатишлар 24.01.2019 йилдан кучга киради.

Хорижий ҳамкорлар билан инвестиция шартномалари бўйича ижро интизоми кучайтирилади

Олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ҳамда стратегик аҳамиятга эга ҳўжалик жамиятлари ва корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг янги тартиби белгиланди. У Президентнинг 30.10.2018 йилдаги ПФ-5565-сон Фармони билан тасдиқланди.

Янги тартибга мувофиқ:

➤ Ташқи ишлар вазирлиги олий даражадаги ташрифлар мuddатлари аниқланишига қараб бир кун мuddатда бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасини ёзма равишда хабардор қилади;

➤ Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда олий даражадаги ташрифлар давомида имзолаш учун, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари бўйича ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилади;

➤ Ҳисоб палатаси Вазирлар Маҳкамаси қароридан назарда тутилган ташкилий тадбирларнинг ўз вақтида ижро қилиниши устидан назорат ўрнатади;

➤ олий даражадаги ташрифлар давомида имзолаш учун ҳужжатлар лойиҳалари ташриф бошланишидан бир ой аввал Ҳисоб палатаси билан бирга батафсил кўриб чиқилганидан сўнг Вазирлар Маҳкамаси томонидан Президент Администрациясига киритилади. Бунда ҳужжатлар лойиҳалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ҳисоб палатасига киритилаётганда параллел равишда кўриб чиқиш учун Президент Администрациясининг тегишли тузилмаларига ҳам киритилади.

Ҳисоб палатаси ҳар ойда олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари ижросининг бориши тўғрисида Президент Администрациясига ахборот киритади.

Бу – муҳим! Ҳужжатлар ижросининг бориши ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишининг ҳар ойда кўриб чиқилиши Ҳисоб палатаси, Вазирлар Маҳкамаси ва Бош прокуратура томонидан таъминланади. Назорат якунлари бўйича ахборот Президент Администрациясига киритилади. Шартномаларнинг ҳисоби ва ижро этилиши устидан мониторинг "lrgo.gov.uz" ижро интизоми ягона назорат тизимига интеграция қилинадиган олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар маълумотлар базаси ёрдамида юритилади.

Республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи ташкил этилди

Янгидан ташкил этилаётган Олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ижросини таъминлаш масалалари бўйича республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи ушбу келишувларни амалга ошириш учун тузилган тугатилаётган идоралараро ҳайъат органларини (комиссиялар, гуруҳлар) ўрнини босади. Қуйидагилар унинг вазифалари этиб белгиланди:

➤ олий даражадаги ташрифлар давомида имзолаш учун ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш;

➤ олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижросини яқиний натижаларга эришган ҳолда таъминлаш;

➤ олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни амалга оширишга тўқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тезкор чоралар кўриш;

➤ юклатилган қўшимча функцияларни тезкорлик билан бажаришда Ҳисоб палатасига кўмаклашиш.

Ҳисоб палатасида янги функциялар

Қўйилган вазифаларни тўлақонли амалга ошириш учун Ҳисоб палатасида раис ўринбосари лавозими қўшимча жорий этилди ва иккита янги бўлим ташкил этилди, улар палатага юклатилган янги функцияларни ўз зиммаларига оладилар, айнан:

➤ олий даражадаги ташрифлар давомида имзолаш учун ҳужжатларни, уларнинг асослигини ва ижро этиш имкониятларини таҳлил қилган ҳолда тайёрлашда вазирлик ва идораларга кўмаклашиш;

➤ олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг маълумотлар базасини шакллантириш;

➤ олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни ва стратегик корхоналар ишти-

рокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш, тегишли тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишига тўқинлик қилаётган омилларни аниқлаб, тизимли таҳлил қилган ҳолда, яқиний натижаларга эришиш учун уларни ҳал этишда, шу жумладан, жойига чиққан ҳолда зарур ёрдам кўрсатиш;

➤ олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар, стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши устидан мониторинг ва доимий назоратни амалга ошириш ҳамда уларнинг натижалари бўйича Президент Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиш;

➤ вазирлик ва идораларнинг олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ижросини мунтазам муҳокама қилиш, уларнинг асослантирилган ҳисоб-китобларга эга, аниқ, ташаббускор инвестиция лойиҳаларини тақдим этиш борасидаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш.

➤ чет эллик ҳамкорлар ва Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан «телекуприқ» ташкил этиш орқали олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ижросини мунтазам муҳокама қилиш, уларнинг асослантирилган ҳисоб-китобларга эга, аниқ, ташаббускор инвестиция лойиҳаларини тақдим этиш борасидаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 31.10.2018 йилдан кучга кирди.

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР
Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 71-236-76-46, 71-233-74-95, 71-233-17-56.
Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.
СОТИБ ОЛАМАН
Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

«КОРХОНА ЮРИСТИ» 

электрон маълумотнома тизимини
ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Топикент ш. Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел.: (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Олег Заманов, Самир Латипов, Олег Гаевой, «Norma» МЧЖ экспертлари.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
1-2-бетлар

• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

– УМШ тўғрисидаги қонун лойиҳаси: уйларни янгича бошқариш

– Томингиз билан нима ишим бор. Мен буйруқни бажаришим керак!

3-6-бетлар

• АВТОНОРМА

– «Қиммат жарималар»

– Тошкент бўйлаб ўз

автобусларимиз қатнайди

– «Ақлли» бекатлар – тараққиёт

белгиси

7-бет

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Чекловлар олиб ташланди

– Ҳаммаси қондага биноан

– Прописка қилишга розиман

8-бет



МУНДАРИЖА:

- ✓ УМШ тўғрисидаги қонун лойиҳаси: уйларни янгича бошқариш
- ✓ Томингиз билан нима ишим бор. Мен буйруқни бажаришим керак!



Долзарб мавзу

УМШ тўғрисидаги қонун лойиҳаси: уйларни янгича бошқариш

Узоқ кутилган «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, ниҳоят, муайян шаклга келтирилди. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (УКХ вазирлиги) уни кенг муҳокамага тақдим этди. Лойиҳа ишлаб чиқувчилари амалдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонундаги камчиликларни бартараф этиш, уй-жой соҳасидаги янгиликларни акс эттириш, мамлакатимизда УКХда ўтказилаётган ислохотлар хусусиятларини инобатга олиш, ширкатларнинг келгусида ривожланиши асосий йўналишларини белгилашни мўлжал қилдилар. Улар кўп квартирали уйларни (ККУ) бошқаришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳал қилиш йўллари талқин этдилар, айрим хорижий амалиётни ўрганиб, бизнинг шароитга мослаштирдилар.



Тўғри, ҳужжат қўшимча ишлов беришни, янада тартибга солишни талаб этади. Айрим қисмларини аниқроқ, очиқ, лўнда ифодалаш зарур, акс ҳолда аниqliк киритишдан маъно қолмайди. Айрим жойларда нормалар нотўғри талқин қилинган.

Ҳозирча бу – дастлабки вариант. У муҳокама

қилинганидан кейин ишлаб чиқувчилар фуқароларнинг таклифларини умумлаштирадилар. Айни пайтда ҳужжат бир қатор вазирлик ва идораларда келишувдан ўтказилмоқда. Сўнг қонун лойиҳасининг якуний версиясига тузатиш киритилиб, кўриб чиқиш учун Олий Мажлисга юборилади.

*Таҳририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда шитирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга бақолатли эмас.



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Бошқа жиҳатлар ёритилган

Агар яқиндан танишиб чиқилса, лойиҳадаги барча нормалар кўп квартиралли уйларда уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ташкил этилиши ва фаолият юритиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган асосий мақсадга мувофиқ келмайди. Хужжатда айнан бошқа жиҳатлар ёритилган 2 та боб мавжуд. Улар ККУни уй-жой мулкдорлари бевосита (УМШ ташкил этмасдан) бошқаришига, шунингдек кўп квартиралли уйларни бошқарувчи ташкилотлар ва бошқарувчилар – тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар ёрдамида бошқаришга тааллуқли. Бизда ККУни бевосита бошқариш масалалари қонун ҳужжатлари билан умуман тартибга солилмаганлиги инобатга олинса, улар жуда муҳим нормалардир. Хужжатда бундай бошқариш усули учун батафсил регламент тақлиф этилган. Профессинал бошқарув ҳам худди шундай кенг ёритилган. ККУни бошқариш фаолиятини лицензиялаш тақлиф этилган, бир неча йилдан буён шу ҳақда гапириб келинаётган эди. Бироқ ушбу 2 та муҳим йўналиш бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилиши лозим. Бу ерда улар мавзуга оид бўлмай, лойиҳанинг бошқа версиясидан ўтказилганлиги кўриниб турибди. Аввалбошдан кўп квартиралли уйларни бошқариш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган эди, ушбу нормалар унда ўз ўрнини топган бўлар эди. Бу ерда улар мавзудан ажралиб турибди. Келгусида ККУни бошқариш тўғрисидаги лойиҳани ишлаб чиқиш имконияти муҳокама қилинса, қонун лойиҳаси кўрсатилган мақсадга мувофиқ келишини таъминлаш учун бир оз кутиб туриш ёки ушбу бобларни Уй-жой кодексига киритиш маъқулдир.

Хўжалик юритувчи субъектми ёки нотижорат ташкилоти?

Яна бир неча жуда муҳим жиҳатлар бор. Қонун лойиҳасида айтилишича, турар жойлар мулкдорларининг бирлашмаси томонидан ташкил этилган хўжалик юритувчи субъект уй-жой мулкдорларининг ширкати дея эътироф этилади (8-модда). Бироқ ширкатни мулкдорларнинг бирлашмаси эмас, балки мулкдорларнинг ўзи ташкил этади. У ташкил этилганидан кейин мулкдорларнинг бирлашмаси юзага келади.

Бундан ташқари, ширкат хўжалик юритувчи субъект ҳисобланмайди. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, хўжалик юритувчи субъект – фойда олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти билан мунтазам

Хўжалик юритувчи субъект – белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар.

Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (АВ томонидан 6.05.2017 йилда 2878-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Хўжалик юритувчи субъект – мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи фуқаролар.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг 8-бўлими.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси.

Хўжалик юритувчи субъект – товарларни ишлаб чиқариш, олиш ва реализация қилиш фаолияти билан шугулланувчи юридик шахс, шу жумладан, чет эллик юридик шахс, хўжалик бошқаруви органи, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркор.

«Рақобат тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси.

равишда шугулланувчи корхона ёхуд яқка тартибдаги тадбиркор. Сўнг лойиҳада бунинг акси: УМШ – нотижорат ташкилоти, дея қайд этилган. Аслида ҳам шундай, бу ҳам унинг хўжалик юритувчи субъектга тааллуқли эканини истисно этади. Ширкат – юридик шахснинг ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий шакли. У ўз фаолиятининг асосий мақсади сифатида даромад олишни кўзламайди, олинган даромадларни унинг иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайди. Ширкат тадбиркорлик билан шугулланишга ҳақли бўлса, фақат устав фаолияти доирасида шугулланади, олинган даромад эса устав вазифаларини ҳал қилишга йўналтирилиши лозим. Бугунги кунда том, фасаднинг бир қисмини реклама, қандайдир ускуна ўрнатиш учун ижарага бериш ва ҳ.к. ана шундай фаолиятга киради. Бироқ бу ширкат тижорат ташкилоти

мақомига эга бўлишини англатмайди. У фойда олиш билан боглиқ бўлмаган бошқа мақсадларни кўзлайди. Хусусий мулк ҳақида сўз бораётган экан, бу нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

Бошқа номувофиқликлар ҳам мавжуд. Ишлаб чиқувчилар ўзгача йўналишдан борган кўринади. Қонун лойиҳасида айтилишича, **ширкатнинг устав фонди унинг аъзолари кириш бадаллари ҳисобига** шакллантирилади. **Устав фонди миқдори** таъсис йиғилиши томонидан белгиланади. Бунда қандай кириш бадаллари ва УМШ устав фонди ҳақида сўз бориши мумкин? Уй-жой мулкдорларининг ширкати ўрнига тижорат ташкилоти бўлган ҳужжалик ширкати ҳақида гапираяптилар чоғи. Устав фонди – **тижорат ташкилотларини ташкил этиш чоғида** уларнинг фаолиятини таъминлаш учун таъсис ҳужжатлари ёки қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлардаги ҳиссалар мажмуи. Нима учун лойиҳада ширкат аъзолари кириш бадалларини тўлаши таклиф этилган? Уй-жой мулкдорлари «муассислар» сифатида субсидиар жавобгар бўлишлари учун ХУМШни тижорат ташкилотига айлантиришни кўзламаётгандирлар? Бироқ айнан шундай хулосага келиш мумкин.

Нотурар жойлар мулкдорлари қарз учун пеня тўлайдилар

Ширкатнинг нотурар жойлар мулкдорлари билан муносабатларини тартибга солиш учун бир қатор ҳуқуқий дастаклар таклиф этилган. Қонун лойиҳасида нотурар жойлар мулкдорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари борасида мавжуд бўлган номувофиқлик бартараф этилмаган. Улар илгаригидек ширкат аъзолари ҳисобланмайдилар. Умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар, бироқ УМШ аъзолари сингари у билан тузилган шартнома асосида умумий мулкни сақлаш харажатларини тўлашга мажбурлар. Кўпгина нотурар жойлар мулкдорлари шу пайтгача ХУМШ билан шартнома тузишдан бош тортмоқдалар. Лойиҳада ширкат манфаатларини ҳимоя қилиш учун уларнинг жавобгарлиги кучайтирилди. Хусусан, нотурар жойлар мулкдорлари умумий мол-мулкни сақлаш учун мажбурий тўловларни ўз вақтида тўламаганда муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун юридик шахслардан 0,4%, жисмоний шахслардан 0,1% миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50%идан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлашларини назарда тутувчи нормани жорий қилиш таклиф этилмоқда.

Нотурар жойлар мулкдорлари ширкатлар уларнинг бадалларини асоссиз равишда кўтариб юборишлар

ридан шикоят қиладилар. Қонун лойиҳасида нотурар жойлар мулкдорларига қўшимча талаблар қўйишга асос бўлувчи муҳим ҳолат қайд этилди. Агар нотурар жойдан фойдаланиш ширкатнинг умумий мол-мулкни сақлаш харажатларини ошириб юборса ёки турар жойлардан фойдаланиш чоғида ноқулайликларни юзага келтирса, ширкат умумий йиғилиш қарори асосида нотурар жой мулкдорига пул ёки бошқа моддий ифодада компенсация тўлаш бўйича **асосли** талаблар қўйишга ҳақли. Айни пайтда амалдаги Қонунда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаганлиги боис бу нотурар жойлар мулкдорлари учун асос ҳисобланмайди.

Қарздорларга нисбатан қатъий чоралар қўрилади

Ҳужжатни ишлаб чиқувчилар айрим ҳолларда жой мулкдори мажбурий бадалларнинг бир қисmini пул шаклида тўлаш ўрнига умумий харажатларда бошқача иштирок этишига ўзгартириш ҳақида умумий йиғилишнинг қарор қабул қилиши имконини назарда тутувчи муҳим нормани сақлаб қолишни таклиф эт-



моқдалар. Бироқ ушбу механизм амалдаги Қонунда ҳам, янгисининг лойиҳасида ҳам батафсил ишлаб чиқилмаган. Айни пайтда ушбу нормани қўллашда кўп саволлар ва қоидабузарликлар юзага келади, ҳар битта ХУМШ уни ўзича талқин қилади. Лойиҳада масаланинг муҳим жиҳатларидан бири акс эттирилган. Масалан, мулкдорлар режалаштирилмаган ишни ўз ҳисобларидан бажариб, кейин эса ширкатдан қайта ҳисоб-китоб қилишни талаб этадилар. Зарур ҳисобланмаган ва жой мулкдорларидан бири томонидан қолганларининг розилигисиз қилинган харажатлар

унинг ўзига тушади ва қопланмайди, деб белгилаш таклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасида қарздорларга қўйиладиган талаблар бирмунча кучайтирилди. Умумий мол-мулкни сақлаш учун мажбурий бадалларни икки марта кечиктириб (2 ой назарда тутиладиган бўлса керак) тўламаган бўлсалар, ширкат қарздорни олдиндан ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бадалларни ундириш учун судга мурожаат қилишга ҳақли. У қарздорлардан унга ва бошқа мулкдорларга тўламаслик оқибатида келтирган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Бироқ қарздорларга нисбатан суд қарори ижро этилишига эришиш мушкул. Шу сабабли ХУМШ раҳбарлари қарздорларга нисбатан қаттиқроқ чоралар қўришни таклиф қилмоқдалар.

Ер участкасини қандай қайтариш мумкин

Ер участкалари билан боғлиқ масалани қандай ҳал этиш таклиф қилинмоқда? Лойиҳага 6-«Қўп квартирали уйга туташ ер участкаси» моддаси ва 48-«Ширкатнинг ер участкалари» моддаси киритилган. 6-моддада айтилишича, ККУга туташ ер участкаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қўп квартирали уйдаги **жой мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилади** ва биргаликда эгалик қилинадиган ер участкаси деб тан олинади. Унинг ҳолати учун жавобгарлик мулкдорлар зиммасига юклатилади. 48-моддада қайд этилишича, **ер участкалари ширкатга белгиланган тартибда доимий фойдаланиш ҳуқуқида тақдим этилади**. Бунда жиддий саволлар юзага келади. «*Уйга туташ*» атамаси нимани англатади? «*Ер участкасини сақлаш*» тушунчасига нималар киришини ҳам очиб бериш зарур. Ишлаб чиқувчилар ер участкаларини тақдим этишнинг 2 та вариантини назарда тутишни таклиф этаётган кўринади. Бири – ширкат тимсолида (ёки УМШсиз бевосита бошқаришда) мулкдорларнинг фойдаланишига, иккинчиси – юридик шахс сифатида ширкатга. Бироқ саволлар, низо ва тушунмовчиликлар юзага келмаслиги учун буни аниқ ва лўнда белгилаш даркор.

Лойиҳа матнида айтилишича, ККУга туташ ер участкаси ҳар битта қўп квартирали уйнинг кадастр паспортда қайд этилиши шарт. У бўлинмас саналиб, алоҳида ер участкаларига тақсимла-

ниши мумкин эмас. Бунда уйнинг деразаси остида жойлашган, қўп ихтилофлар юзага келишига сабабчи бўладиган бог-томорқалар ҳақида сўз бораётган кўринади. Хўжатни ишлаб чиқувчилар қўп квартирали уйни бошқарувчи орган ваколатли органга мурожаат қилганидан кейин 2 ойдан кечиктирмай ККУнинг ер участкаси чегаралари ва ҳажмини белгилашни таклиф этмоқдалар.

Бугунги кунда долзарб масалани ҳал этишга ёндашув амалдаги қонунчиликдагидек қолмоқда: ширкатнинг ер участкасида УМШга тегишли бўлмаган объектлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан **ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши розилиги билан** жойлаштирилади. Ширкатдан аъзолар – жой мулкдорларининг бир қисми чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлмаган ер участкасининг бир қисми олиб қўйилиши маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан **ширкат розилигига кўра ширкатга етказилган зарарларни тегишинча қоплаган ҳолда** амалга оширилади. ХУМШ ер участкаларига эга бўлганда ушбу нормалар деярли ишламаган. Худди шу ҳолат такрорланмасмикин.

УКХ вазирлиги УМШни назорат қилади

УКХ вазирлиги ҳузуридаги уй-жой инспекцияси томонидан амалга ошириладиган **ширкатлар фаолияти устидан давлат назоратини** белгиловчи таклиф этиладиган нормаларда давлатнинг ролини кучайтиришга интилиш кузатилмоқда. УМШда назорат тартибидagi текширишларни унинг мансабдор шахслари «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширадilar. Бироқ ширкат хўжалик юритувчи субъект ҳисобланмайди. Демак, ушбу Қонунда белгиланган назорат дастакларини УМШга нисбатан қўллаб бўлмайди.

Ишлаб чиқарувчи давлат назоратини амалга оширишда Уй-жой инспекциясига бир қатор ваколатлар беришни таклиф этмоқда, моҳиятан олганда, улар УМШ ишларига аралашув ҳисобланади. Булар – умумий мол-мулкни капитал таъмирлашнинг айрим турлари рўйхати, амалга ошириш даврлари ва навбатини белгилаш; жой мулкдорлари иштирокида молиялаштириладиган ККУни бошқарувчи орган тақдим этган унинг харажатлар сметасини келишиш.

Мавзувий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.



Илгари ҳокимликлар зиммасига юклатилган қатор ваколатларни вазирликка бериш таклиф этилмоқда. Хусусан, ширкат қонунчиликини бузганда Уй-жой инспекциясининг мансабдор шахси унинг аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши мумкин. Раис ва бошқарув аъзолари УМШ аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилмаганда УКХ вазирлиги мансабдор шахсининг уларни чақириб олиш тўғрисидаги таклифларини, шунингдек ушбу лавозимларга номзодлар бўйича тавсияларини кўриб чиқиш УМШ аъзолари умумий йиғилишининг ваколатига киради. Бундай «тавсиялар» сабабли ХУМШ аъзолари манфаатларини кўзламайдиган кишилар таклиф этилиши мумкинлиги жиддий хавотир уйғотади.

Битта уйда иккита ширкат?

Ишлаб чиқувчилар объектни биргаликда бошқариш тушунчасини қонунга киритишни таклиф этмоқдалар. Бунда ККУ назарда тутилмоқда. Бироқ у битта секциядан кам бўлмаган ҳажмга эга, уйнинг бошқа қисмларидан ажратилган кўп квартирали уйнинг алоҳида қисмидан иборат бўлиши ҳам мумкин. Башарти секция қурилиши, реконструкция қилиниши, қайта қурилиши ёки бузилиши мазкур биргаликда бошқариладиган объект таркибига крмайдиган уйнинг бошқа қисмлари яхлитлигини бузмаса, биргаликда бошқариладиган алоҳида объект сифатида ажратиб чиқарилиши мумкин. Буни битта уйда бир нечта ширкат тузилиши мумкин деб тушуниш керакми?

УКХ вазирлиги бошқарувчиларни тайинлаши мумкин

Жой мулкдорлари ККУ фойдаланишга қабул қилинган кундан бошлаб бир ой ичида умумий йиғилишда бошқарув усули масаласини ҳал этишлари кераклигини белгилловчи норма кўп квартирали уйни бошқариш соҳасидаги янгиллик бўлиши мумкин. Бундай қарор қабул қилинмаган бўлса, УКХ вазирлиги бўлинмаси 3 ойда хизмат кўрсатувчи ташкилот ёки бошқарувчини белгилайди. Жой мулкдорлари ушбу муддат давомида ҳам масалани ҳал этмасалар, Вазирлик бўлинмаси бошқарувчи ташкилот ёхуд бошқарувчини танлаб олиш учун очик танлов ўтказишга ҳақли.


Ҳужжат лойиҳасига Уй-жой кодексида бўлган, уй-жой мулкдорлари учун анча хавфли таклиф киритилган. Бу – ККУдаги турар ва нотурар жойлар мулкдорларининг улушли мулкида бўлган умумий мол-мулкнинг айрим қисмларини учинчи шахсларга

бериш имконияти. Бунга фақат қонун ҳужжатларига мувофиқ, умумий улушли мулк барча иштирокчилари бир овоздан қабул қилган қарор асосида йўл қўйилади. Учинчи шахсларга беришга оид бундай масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш суд ва бошқа чет кишиларнинг ваколатларига кирмаслигини белгилловчи қоида қарор 100 фоиз қабул қилиниши кафолати бўлиб хизмат қилиши мумкин эди.

Қабул қилинадиган таклиф бошқа мулкдорларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш имконини бермаса, умумий мол-мулкнинг бир қисми учинчи шахсларга берилмайди. Учинчи шахсларга берилмайдиган умумий мол-мулк рўйхати келтирилган. Бунда мулкдорлар умумий мол-мулкнинг алоҳида қисмларини учинчи шахсларга бериш механизmidан хабардор бўлишлари, назорат қилувчи орган унинг устидан қатъий назорат ўрнатиши муҳим аҳамиятга эга. Акс ҳолда кўп ихтилофлар юзага келиши мумкин.

Сўров ўтказиш ва хабардор қилиш орқали қарор қабул қилиш

Ҳужжат лойиҳасида УМШ аъзоларининг қарор қабул қилиш имконияти кенгайтирилган. Умумий йиғилишдан ташқари, мулкдорлар орасида сўров ўтказиш ва уларни хабардор қилиш йўли билан ҳам қарорлар қабул қилиниши мумкин. Бироқ бунда саволлар юзага келади. Иккала ҳолатда мулкдорларга тайёр қарор лойиҳалари таклиф этилади, сўровда ҳам, огоҳлантиришда ҳам «ҳа» ёки «йўқ» дея муносабат билдирсалар бўлди. Бу нотўғри ечим. У ёки бу қарорни қабул қилиш зарур деган ёндашувдан келиб чиқиш лозим. Яъни мулкдор смета, ҳисобот, ишлар режаси, таклиф этилаётган қарорга асос бўлган бошқа ҳужжатлар билан бир вақтнинг ўзида танишиб чиқиш имкониятига эга бўлиши керак. Акс ҳолда бу қонунбузарликлар



учун замин яратади. Ушбу нормаларни аниқроқ тавсифлаш зарур.

Умумий йиғилишда ширкат аъзоси вакиллиги шакли сақланиб қолган, унга ишончнома расмийлаштириш бўйича регламент қўшимча қилинган. У ширкат аъзоси вакилига кўпи билан 3 йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у берилган кундан бошлаб 1 йил давомида ўз кучини сақлаб қолади. Берилган санаси кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас. Ширкат аъзосининг турмуш ўртоғи, агар улар бу жойда биргаликда яшаётган бўлсалар, умумий йиғилишда турар жой мулкдори номидан ишончномасиз иштирок этиш ва овоз беришга ҳақли. Бироқ моҳиятан олганда бу – ҳуқуққа зид норма, сабаби кўп ҳолларда квартира эр-хотиндан фақат биттасига тегишли бўлади ва биргаликдаги мулк ҳисоблан-

майди. Нормани батафсил ёритиш лозим. Хусусий мулк ҳуқуқи дахлсиз эканлигидан келиб чиқиш керак. Биз унга риоя этишимиз шарт, акс ҳолда уни поймол этган бўламыз.

Кўпинча ХУМШ раиси қайта сайланганда у ўзидан кейин келганга муҳр, ҳужжатлар ва бошқаларни топширгиси келмайди. Лойиҳада ушбу муаммо ҳал этилган. УМШ бошқаруви раисининг фаолияти тўхтатилганда умумий йиғилиш қарор қабул қилган кундан бошлаб 3 иш куни ичида у раис мажбуриятларини зиммасига олган шахсга ҚҚУнинг техник ҳужжатлари, ширкатнинг муҳри, УМШ бошқаруви билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар, умумий мол-мулк таркибига кирадиган хоналарнинг калитлари ва бошқаларни топшириши шарт. Бироқ бунга қаршилиқ кўрсатган ҳолда унга нисбатан Жиноят кодексининг 227-моддаси қўлланилиши мумкинлигини қайд этган маъқул.

Томингиз билан нима ишим бор. Мен буйруқни бажаришим керак!

Пойтахтимизга навбатдаги ободонлаштириш тўлкини келди. Бу сафар кўп қаватли уйларнинг фасадлари оқланди, бўялди. Турар жой даҳаларида – керак ва нокерак жойларда. Жараёни ҳокимликлар вакиллари, округлар, секторлар раҳбарлари ва уларнинг ёрдамчилари, участка нозирлари ва бошқалар бошқариб турдилар. Буйруқ берувчилар орасида кўп қаватли уйларнинг техник ҳолати учун жавобгар ХУМШ вакиллари йўқ эди, холос. Аслида аҳоли бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан уйларнинг оқлаб, бўялишига қаршилиқ кўрсатмаслиги керак. Фуқаролар эса мамнун бўлиш ўрнига норозилик билдирадилар, ҳатто бундай шикоят қиладилар. «Одамларга яхшилиқ ёқмайди!» – дея муносабат билдирди масъул шахслар.

Норозилик сабабини аниқлаш учун пойтахтнинг Мирзо Улуғбек тумани М-1 мавзесидаги «Она Замин Иккинчи Коммунал» ширкатига бордик. Бу ерда ҳам бошқа бир қатор ХУМШлар сингари ҳодиса рўй берган.

«Фасад» операцияси

Ушбу ширкатда собиқ «Болалар уйи» орқасида жойлашган 2-уй нишонга олинди. ХУМШ раиси Светлана Группер уй аҳли қатори фасад бўялишига қаршилиқ қилди. Биринчидан, у яхши ҳолатда эди, яна бир неча йил турса бўларди. Бироқ энг асосийси, ХУМШ яқинда томни таъмирлатган эди. Иш серхаражат бўлгани – 40 млн сўмни талаб қилгани боис уни қисмлаб, бир неча йил давомида бажардилар. Уни кўз қоричигидек асраб-авайлардилар. Шу сабабли шикаст етказмаслик учун унга чиқишни ман этдилар.



Ширкат кредит олмай, таъмирлашни ўз ҳисобидан бажарган. Уй аҳли фоида тўламаслик учун шундай қатъий қарорга келган.

Раис участка нозир ва округ раҳбарининг ёрдамчиси саноат альпинистлари фасадни бўяшлари учун чордоқ калитини қандай талаб қилганликларини гапириб берди. Осма кажавалар арқон билан томга маҳкамланади, бу эса қимматга тушган томнинг бут сақланишига хавф солади. Раис ва уй аҳлининг томга шикаст етиши мумкинлиги ҳақидаги ваз-даллларини эшитишни хоҳламадилар.

Бундан ташқари, 2016 йилда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммити арафасида бу уйдаги осма балконлар алюкобонд билан қопланган эди. Бу ҳам бепул бажарилган эди. Бироқ ишни қурилиш нормалари ва қоидаларини бузган ҳолда бажарганлар. Ёгингарчиликда балконлардан ҳаммаси фасадга оқиб тушади – ҳамма ёғи доғ бўлиб қолаяпти. Квартиралар деразасидан ёмғир оқиб тушиб, балконларнинг полини буткул яроқсиз ҳолатга келтирди. Бир сўз билан айтганда, уй аҳлига муаммо яратдилар. Энди соябонлар ўрнатиш керак, улурсиз фасадни оқлаб, бўяш беҳуда иш – битта ёмғир ё қор ёғиши билан ҳаммаси ювилиб кетади. Бу ҳам масъул шахсларга таъсир қилмади.

Участка нозир: «Менда буйруқ бор. Уни бажариш керак», деб туриб олди. Кимнинг буйруғи, нима ҳақда? Буйруқ бошқа тарафга ёзма шаклда тақдим этилиши лозим. Акс ҳолда у қуруқ гапдан бошқа нарса эмас. Қандайдир буйруқни рўқач қилган ҳолда ширкат раҳбариятини нималарнидир бажаришга мажбурлаб, сўнг гапидан тониб: «Ҳеч нимадан хабаримиз йўқ, биз бундай демаганмиз», десалар-чи. Энг асосийси – ақл бовар қилмайдиган буйруқларни кўр-кўрона бажариш – оқилона иш эмас. Бу энг хайрли ниятларга раҳна солиши, фойда ўрнига зарар келтириши мумкин.

Участка нозир ХУМШ ишларига, умумий мол-мулкни сақлаш масалаларига аралашшига ҳақлими? Унинг вазифаси – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Уй учун қандай ишларни амалга ошириш кераклигини ширкат ҳал қилади. Шаҳар ҳокимияти унга ёрдам бермоқчи бўлса, фасадни қайси ранга бўяш кераклигини, бу қанчалик мақсадга мувофиқлигини ХУМШ билан келишиши лозим.

Участка нозир куч ишлатиб томга чиқди. Альпинистлар уйни тунда чироқ ёқиб оқлаб-бўядилар, шундай буйруқ бўлганмиш. Натижада уй аҳли анча йил пул тўплаб таъмирлатган том шикастланди, ёмғирда яна чакка ўтди. Балконлардан ҳам фасадга сув оқаяпти. Харажатларни ким қоплайди, ўзбошимчалик ва етказилган зарар учун ким жавоб беради?

– Участка нозир бунинг учун ҳеч ким жавоб бер-



маслигини айтди, – дейди Светлана Группер. – Уй аҳлига зиён етказиб, фасадни бўяш шартмиди? Томни шикастладилар. Балконлар орасидаги фасаднинг аввалги рангига мос сарғиш плитка тўқ жигар ранга бўялди. Уйнинг ташқи кўриниши хунуклашди. Нима учун биз билан ҳисоблашмайдилар? Бундай ёрдам кимга керак? Оқибатини ўйламай, бировни эшитиш ва тушунишни истамай, қанчалик бефойда бўлмасин, кимнингдир буйруғини бажариш ва ҳисобот бериш учунми?

Жазосиз ўзбошимчалик: «Фасад» операциясининг оқибати

Раис ХУМШ ишларига ноқонуний аралашув тўғрисида далолатнома тузди. Кимдир бу иш билан шуғулланиши, кимдир жавобгарликка тортилишига ишонмайди киши. Чет кишилар ХУМШ ишларига ўзбошимчалик билан аралашиб оқибатида аҳолига кўп зарар етказадилар. Ўндан ортиқ ёрдамчилар, кураторлар, масъуллар қаршисида ширкат ўз муаммолари билан ёлғиз қолаверади. Аҳолини амалдорларнинг ўзбошимчалигидан ФВВ ёки тез ёрдам сингари тезкор ҳимоя қиладиган орган йўқ. Фуқароларнинг мурожаатларига тезкор муносабат билдириш учун ташкил этилган ишонч телефонларига кўпинча улашиб бўлмайди. Ёки мурожаатни қабул қилиб, юзаси жавоб билан чекланадилар – ҳеч ким масаланинг муҳиятини ўрганишни истамайди. Ширкат раиси фасад масаласида УКХ вазирлиги, уй-жой инспекцияси, туман, шаҳар прокуратурасидан ёрдам олиш умидида кўнғироқ қилди. Шанба куни телефонларни ҳеч ким кўтармади. Ва, ниҳоят, УКХ вазирлигидагилар умид уйғотдилар: «Керак-

ли жойга хабар берамиз. Сизга албатта кўнғироқ қиладилар». Шу билан тинчиб кетдилар. Ҳеч ким ҳеч қандай муносабат билдирмади. Вазирлик навбатчиси «керакли жойга» хабар бердим, ижросини назорат қилдим, раисга қайта кўнғироқ қилдим? Йўқ. Ҳамма масъулиятсиз, ҳеч ким лавозим мажбуриятларини бажармайди, аҳолининг манфаатлари ҳеч кимни қизиқтирмайди. Уларни ўзларидан нари қилишни биладилар холос. Асабга тегмасликлари учун ваъда бериб қутуладилар. Ваъда бериб, ҳеч қандай чора кўрмайдилар ёки қуруқ жавоб билан чекланадилар.

Ижтимоий тармоқларда ҳам оқлаш-қўклаш ишлари хусусида шундай далиллар келтирилди. Натижада айрим турар жой даҳаларидаги қатор кўп қаватли уйлар ўзига хос киёфасидан махрум бўлди, бошқа ранг ишлатмай, барини тўқ рангларга бўядилар, кафель плиткеси устидан бўёқ тортидилар. Уй-жой соҳаси ходимлари аёз ва ёгин-сочин арафасида бунга не ҳожат, дея ажабланмоқдалар.

Фасад билан боғлиқ яна бир вазият юз берган. Чилонзордаги бир нечта тўққиз қаватли уйни оқлаб-қўклаш учун Қашқадарёдан бир автобус мардикор олиб келишганини айтиб бердилар. Округ бошлиғи ишларни тасарруф этди. Ширкатлар раҳбарлари ва уларга хизмат кўрсатувчи бошқарувчи компанияларга зугум ўтказди: «Шаҳар ҳокимига уйларингиз фасадининг ранги ёқмаяпти. Бошқа рангга бўяш керак. Банкка кўнғироқ қилинг, кредит олинг, ҳам-

масини ҳозир расмийлаштирамиз. Кредит олма-сангиз, прокуратурага кўнғироқ қиламан, текширув билан келади». Бу эса амалдаги қонунчиликка кўра жиддий жавобгарликка тортисга арзирли ҳаракат, қанийди, бунинг учун жавобгарликка тортиса. У ерда ҳам уйларнинг фасадлари яхши ҳолатда эди. Ширкатлар шундоқ ҳам кредит олишган, яна биттаси уларга малол келар эди. Томда мардикорлар учун арқон боғлаш ниятида худди биздагидек чордоқ калитини беришни талаб қилганлар. Аҳоли таъмирланган том шикастланади дея биз каби қаршилик кўрсатган. ХУМШ ва бошқарувчилар 4 кун мудофаа сақлаганлар. Сўнг ҳокимнинг бунга алоқаси йўқлиги, уйларнинг фасадларини бўяшни буюрмагани маълум бўлган. Округ бошлиғи шундай ташаббус билан чиққан экан. Аҳолини бундай ўзбошимчаликдан қандай химоя қилиш мумкин?

«Фасад» операцияси ҳеч кимга ёқмаётганлигининг гувоҳи бўлаяпмиз. Бу борада оқилонга иш тутмаяптилар. Фойда келтиришни кўзлаб эмас, кўзбўямачилик учун иш қилаяптилар. Муайян ишлар қилинаётганлигини кўрсатиб, ҳисобот бермоқчилар холос. Фақат шу билан овора бўлиб, «фасад» ортида нималар тургани билан қизикмаяптилар. Оғизда фуқароларнинг манфаатлари ҳақида гапирсалар ҳам, аслида ё кимгадир зиён етказаяптилар, ё ўз манфаатларини кўзлаб иш қилаяптилар. Томингиз билан нима ишим бор, буйруқни бажаришим керак, деган гапдан нари ўтмаяптилар. Эҳтимол, аслида бундай буйруқ берилмагандир. Балки уни нотўғри, тескари маънода тушунишгандир. Бироқ ўйлаб ҳам ўтирмай, йўлда учраган қаршиликни босиб-янчиб, уни бажаришга киришганлар. Балки ўзгаришлар йўлида тўғаноқ ясаб, шу орқали фуқароларда ислохотлардан норозилик ҳиссини уйғотмоқчидирлар. Мамлакатимизда амалдорлар аппарати орасида тозалаш ишлари ўтказилмоқда, уларнинг зиён етказиб ишлашига, одамларга ҳурматсизлик билан ва менсимай муносабатда бўлишларига йўл қўйилмаяпти. Бунда «фасад»ни қайта бўяш эмас, уни бузиб, янгисини «қуриш» керак. Янги қондалар ва қонунларга мувофиқ ишлаш даркор. У ёки бу амалдорлар сирасига киришга қарамай, жавобгарликдан қочиб қутулиш имконини бермаслик зарур.

РЕКЛАМА



Ўзбекистон
Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz
www.norma.uz
www.norma.uz

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

«Қиммат» жарималар

22.10.2018 йилдаги ЎРҚ–503-сон Қонун билан МЖТКнинг бир қатор моддаларига транспортдаги айрим ҳуқуқбузарликлар учун санкциялар оширилишини назарда тутувчи тузатишлар киритилди.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (МЖТКнинг 125-моддаси 1-қисми).

Хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларини унутдингизми – жаримани ЭКИХнинг 1/2 миқдорида тўланг. Мотоцикл ва мопедлар ҳайдовчилари ҳам мотошлемлардан фойдаланмаганлик учун шунча тўлашади.

Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши (МЖТКнинг 128-1-моддаси).

Рулда кетаётганда телефондан фойдаланишни ёқтирасизми – 3 ЭКИХ миқдоридаги жаримага тайёр тулинг. Худди шундай ҳуқуқбузарликни такорлаганингиз учун нафақат 4 ЭКИХ тўлайсиз, балки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 6 ойгача маҳрум этиласиз.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши (МЖТКнинг 1283-моддаси 3–5-қисмлари).

«Ўпқасини қўлтиқлаган» ҳайдовчи-

лар ҳаракат тезлигини оширгани учун 9 ЭКИХ тўлашади.

Такрорий шожалоқлик улар учун 15 ЭКИХ тўлашга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1 йил муддатга маҳрум этилишга сабаб бўлади.

Ҳаракат тезлигини бир йил давомида уч марта ошириб юборсангиз – транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 2 йил муддатга маҳрум қилиниб, 25 ЭКИХ жарима тўлайсиз.

Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш (МЖТКнинг 131-моддаси).

Рулга алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда ўтирдигизми – транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1 йил 6 ойдан 3 йилгача муддатга маҳрум қилиниб, 25 ЭКИХ жарима тўлашга мажбур бўласиз.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса – 40 ЭКИХ жарима ёки 15 сут-

ка муддатга маъмурий қамоққа олиш жазоси қўлланилади.

Транспорт воситасини маст одамга бошқаришни топшириш уни бошқариш ҳуқуқидан 2 йилдан 3 йилгача муддатга маҳрум қилиб, 25 ЭКИХ жарима тўлашига сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиш жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши (МЖТКнинг 133-моддаси).

Йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда (яъни 5 ЭКИХдан кўп) моддий зарар етказсангиз – 5 дан 7 ЭКИХгача ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан 1 йилдан 3 йилгача муддатга маҳрум этиласиз.

Ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиш транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши (МЖТКнинг 134-моддаси).

Йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, транспорт воситалари ёки бошқа мол-мулк шикастланишини юзгага келтирсангиз, лекин анча миқдорда моддий зарар етказмасангиз – 2 дан 4 ЭКИХгача жарима ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 6 ойдан 1 йилгача муддатга маҳрум этиласиз.

Йўл ҳаракати қоидаларида назарда тутилган ҳужжатлари бўлма-

ган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши (МЖТКнинг 135-моддаси).

Транспорт воситаларини тегишли ҳужжатларсиз бошқарганлик учун жарима – 1 ЭКИХ миқдорида.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг шу воситаларни бошқариши, худди шунингдек бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсга транспорт воситаларини бошқаришнинг топширилиши учун жарима – 5 ЭКИХ миқдорида.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг бундай воситаларини бошқариши 10 ЭКИХ миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши (МЖТКнинг 136-моддаси 1-қисми).

Текширувдан ўтишдан бўйин товлаганлик учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1 йил 6 ойдан 3 йилгача муддатга маҳрум қилиниб, 15 ЭКИХ миқдорида жарима солинади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 23.10.2018 йилдан қучга кирди.

Олег Заманов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Тошкент бўйлаб ўз автобусларимиз қатнайди

Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган SAZ LE60 русумидаги паст полли шаҳар автобусининг дастлабки партияси «Тошшаҳартрансхизмат» АЖга топширилди.

– Мазкур автобус модели заводимиз конструкторларининг биринчи интеллектуал маҳсулоти, миллий бренд ҳисобланади, – дейди Самарқанд автомобиль заводининг техник масалалар бўйича директори Ҳ.Қобилов. – Шаҳар ички йўналишларига мўлжалланган ушбу автобус поли пастлиги ҳамда йўловчиларнинг қийиб-тушишида шассининг пасайиши, яъни «кнчлинг» тизими мавжудлиги, ногирон йўловчиларга қўшимча қўлайликлар яратилгани, кондиционер мавжудлиги каби имкониятлари билан ажралиб туради. Автобуснинг умумий йўловчи сигими 56 та, 25 ўриндиқ ўрнатилган. «Евро-4» экологик стандартга жавоб берадиган ISUZU двигатели ўрнатилган.

2014 йилдан буён ишлаб чиқарилаётган ушбу модель айни пайтда Россия, Қозоғистон, Грузия давлатларига буюртма асосида етказиб берилмоқда. Шунингдек, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ҳам синовдан ўтказилиб, йўналишларда фойдаланиш учун харид қилинмоқда.

Самарқанд автомобиль заводи ва «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти ўртасида тузилган шартномага кўра, жорий йилда завод пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатиш учун 80 та ана шундай замонавий автобус етказиб бериши режалаштирилган. 2019 йилда эса яна 200 та SAZ LE60 автобуси пойтахт кўчаларида ҳаракатлана бошлайди.

«Ақлли» бекатлар – тараққиёт белгиси

Термиз шаҳрида 8 та инновацион жамоат транспорт бекати фойдаланишга топширилди.

Замонавий қурилиш материаллари асосида қад ростлаётган мазкур бекатларда кондиционер, жамоат транспорти ҳаракат жадвалининг таблоси, «Фуқаро-тезкор ёрдам хизмати» фавқуллодда алоқа ахборот панели, атроф-муҳит мониторинги сенсори, беғул Wi-fi интернет тармоғи, видео назорати ҳамда USB электр тармоғи нуқталари, банк тўлов терминали ўрнатилган.

Ҳар бир бекатга қуёш электр энергияси панели ўрнатилган бўлиб, бу бекатнинг ёриткичлари ва USB электр тармоғи нуқталарини автоном электр қуввати билан таъминлайди. Бекатларнинг 30 фоизи савдо-сотиқ ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари учун мўлжалланган. Қизиқarli китоб фондига эга кутубхоналар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Юксак дид билан жиҳозланган. Чикиндиларни турига қараб ажратиш учун ўрнатилган учта чикинди қутчаси экологик маданиятимизни ўстиришга хизмат қилади. Пойабзал тозалаш ускунаси жамоат транспортда тозаликни сақлаш,



тоза ва озода юришимизга кўмаклашади. Бекатда шаҳарнинг мавсумий иқлим ўзгаришларига мос очиқ ва ёпиқ қутиш заллари барпо этилгани ҳам қўлайлик бўлган.

Орқа ва ён модуллари уяли поликарбонатли устунлардан иборат инновацион бекатлар ламинатланган қўлай ўриндиқлар билан жиҳозланган. Ўзгарувчан ҳаво иқлимига чидамлилигини ошириш мақсадида унинг ичига иқлимни назорат қилувчи мослама ўрнатилган.

Бекатлар инновацион ойналар билан жиҳозланган. Тунда улар катта экран ва-зифасини ўтайди. Экранда ижтимоий ва тижорий реклама роликлари намойиш этилади. Уларни бекат ичидан ҳам, ташқарисидан ҳам бемалол кузатиш мумкин. Лойиҳани рўёбга чиқариш учун имтиёзли кредит маблағи олинган. Бу кредит бекатлардан олинadиган даромад эвазига қоплаб борилади.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, яқин келажақда вилоят марказида ақлли бекатлар сони 40 дан ошади.

✓ Факт ва рақамлар

Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси матбуот хизматининг маълумотиغا кўра, жорий йилнинг ўтган 9 ойида 6 минг 236 йўл-транспорт ҳодисаси юз берган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 673 тани ёки 9,7 фоизга камроқни ташкил этган.

9 ой давомида йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан жами 2 млн 802 мингдан кўпроқ қоидабузарлик аниқланган. Уларнинг 1 млн 103 мингтасини кўпол қоидабузарликлар ташкил этади. Жумладан, 48 минг 646 нафар ҳайдовчи транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган, 27 минг 648 нафар ҳайдовчи эса светофор ва чорраҳалардан ўтиш қоида-сига риоя этмаган.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқишига пиёдалар ҳам сабаб бўлмоқда: жорий йилнинг 9 ойида пиёдалар иштирокида 3 минг 36 йўл-транспорт ҳодисаси юз берган. Шундан 703 таси бевосита пиёдаларнинг айби билан содир этилган.

Бундан ташқари, ҳаракат вақтида телефондан фойдаланган 26 минг 454 нафар ва хавфсизлик камарини тақмаган 667 минг 733 ҳайдовчига нисбатан ҳам тегишли чоралар қўрилган.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Чекловлар олиб ташланди

Янги қурилган уйда кўчмас мулк 1 сўмга сотиб олинганда пойтахт пропискиси берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 22.10.2018 йилдаги 845-сон қарори билан қуйидаги ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилди:

➤ Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низоми (ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 1-илова);

➤ Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низоми (ВМнинг 41-сон қарорига 2-илова).

2017 йил июлдан бошлаб жорий этилган тартибга қўра, Ўзбекистон ва чет эл фуқаролари янги қурилган уйда кўчмас мулк сотиб олиш шарти билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискадан ўтиш имконини қўлга киритган эдилар. Параллель равишда битимнинг энг кам суммаси ҳақидаги шарт жорий этилган эди:

➤ қиймати 2 500 ЭКИХдан кам бўлмаган (материал эълон қилинган санада – 460 млн 750 минг сўм) – Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа минтақаларидан келган ва ўша минтақаларда доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун. Шунингдек олди-сотди битимини нотариал тасдиқлаганлик учун 5 фозизлик бож тўлаш ҳам талаб этилган;

➤ қиймати 600 млн сўмдан кам бўлмаган – Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига бошқа давлатлардан келган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан. Бундан ташқари,

олди-сотди битимини нотариал тасдиқлаганлик учун 10 фозизлик бож тўлаш ҳам талаб этилган (ВМнинг 19.07.2017 йилдаги 527-сон қарори).

Кейинчалик шахс Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхатининг 1-банди (14.09.2011 йилдаги ЎРҚ-296-сон Қонун билан тасдиқланган), шунингдек Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар – чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тоифалари рўйхатининг 1-бандига (Низом билан тасдиқланган, ВМнинг 41-сон қарорига 2-илова) асосан турар жой мулкдори сифатида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискадан ўтиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган.

Энди Ўзбекистон фуқаролари учун битим суммаси бўйича чекловлар тўлиқ олиб ташланди. Битим суммаси миқдори ҳатто 1 сўм бўлиши мумкин.

Чет эл фуқаролари эса, қайси тои-

фага мансублигидан қатъи назар, 3 300 ЭКИХ (материал эълон қилинган санада – 608 млн 190 минг сўм) тўлашларига тўғри келади. Шу тариқа, Ўзбекистоннинг бошқа минтақасида пропискага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар кўпроқ тўлайдиган бўдилар.

Адлия вазирлиги 2018 йил феврал-

да тайёрлаган лойиҳадан фарқли равишда, қабул қилинган ҳужжатда пропискага эга бўлмағи туриб иккиламчи бозорда турар жой сотиб олишга рухсат берилмаган. Гарчи бекор қилиш тақлиф этилган бўлса ҳам, турар жой учун ҳисоб-китобни банк ҳисобварақлари орқали амалга ошириш тартиби ҳам сақланиб қолди.

Маълумот учун: Янги турар жойни ипотекага сотиб олиш пропискадан ўтишга тўсқинлик қилмайди.

Бу – муҳим! Янгиликларнинг амалда жорий этилиши муайян даражада Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (30.03.2010 йилда 2090-сон билан рўйхатдан ўтказилган) қабул қилинган ҳужжатга мувофиқлаштирилишига ҳам боғлиқ. Бундан ташқари, Ўзбекистон фуқаролари учун битим суммасининг энг кўпи чегараси бекор қилинган экан, демак, турар жойнинг олди-сотди битимини нотариал тасдиқлаганлик учун давлат божини юқорида баён этилган тартибда ҳисоблаб чиқариш механизмига ҳам ўзгартириш киритилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 24.10.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Ҳаммаси қоидага биноан

Тошкентдаги манзил-маълумотнома бюросида вафот этган фуқароларнинг пропискиси тўғрисидаги маълумотлар сақланадими? Паспортисткада бўлган карточкаларнинг шакллари нимаси билан фарқланади?

Х.Л.

– Фуқаролар пропискадан чиққанлиги ҳақидаги маълумотлар манзил-маълумотнома бюросида 6 йил давомида сақланади. Сўнг кетиш манзил варақаси картотекадан олиб ташланади ва белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Ўлим ҳақидаги гувоҳнома олингандан сўнг паспорт столи энг яқин қариндошининг аризаси асосида марҳумини рўйхатдан чиқариб, фуқаро вафот этганлиги муносабати билан рўйхатдан чиқарилганини қайд этган ҳолда кетиш манзил варақасини манзил-маълумотнома бюросига йўллабди. Кетиш манзил варақаси манзил бюроси картотекасида 6 йил сақланади, шундан сўнг тузилган далолатнома асосида олиб қўйилади ва йўқ қилинади.

Манзил-маълумотнома бюроси ҳисобида вафот этган фуқаронинг пропискиси ҳақидаги маълумотлар йўқ бўлса, буни сақлаш муддати тугаганлиги сабабли кетиш манзил варақаси йўқ қилинганлиги билан асослаш мумкин.

Фуқаролар қайд этиш карточкаларини (4-шакл, АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўй-

хатдан ўтказилган Йўриқноманинг 48-бандига 4-илова) қуйидагиларга тақдим этадилар:

➤ ички ишлар органларига ёхуд маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига – фуқароларнинг пропискиси ва пропискадан чиқишини расмийлаштиришда;

➤ муҳофаа ишлари бўйича бўлимларга – ҳарбий ҳисобга қўйишда ва ҳисобдан чиқаришда.

Квартиралар бўйича карточкалардан (5-шакл, Йўриқноманинг 48-бандига 5-илова) қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

➤ паспорт режимини текшириш;

➤ паспортлар ўз вақтида олиниши, прописка муддати узайтирилиши ёхуд прописка қилиниши рад этилган фуқароларнинг чиқиши устидан назорат қилиш;

➤ фуқаролар прописка қилинган ва пропискадан чиққанда молиявий шахсий счётларга ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш;

➤ мактаб ёшига етган болаларнинг рўйхатларини тузиш, маълумотномалар бериш ва ҳ.к.

Прописка қилишга розиман

Хорижда турган қариндошимнинг квартирасида яшайман. Муаммо юзага келмаслиги учун ушбу квартирада вақтинча пропискадан ўтмоқчиман. Менга тушунтиришларича, квартира эгасининг ўзи ариза ёзиши керак экан. Агар у хорижда бўлса ва яқин орада қайтмаса, нима қилиш керак?

Н.Шеров.

– Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлган фуқарога тегишли турар жой майдонига вақтинча ҳисобга олиш учун унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланган розилиги талаб этилади (АВ томонидан 28.06.2016 йилда 2804-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 5-банди).

Фуқаро Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Минск, 22.01.1993 йил) аъзо давлатлар ҳудудиди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудиди бўлган тақдирда, унинг розилиги тегишли давлат қонунчилигига мувофиқ тасдиқланиши мумкин.

Фуқаро Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 5.10.1961 йил) аъзо давлат ҳудудиди бўлганда, унинг розилиги ушбу Конвенция талабларига мувофиқ асосий белгиси орқали тасдиқланиши мумкин.

Санжар Хужааҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.



Испускной-қўқуқ газетаси

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУЎҚ СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚҮРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нотири – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўқуқ бичими – А3. Ҳажми – 2 босма таъб. Баҳоси келтирилган нархда.
Буюртма 457. Адади 810. Газета 2018 йил 5 ноябрь соат 17.30 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 283-32-31, 283-36-32 телефон
рақамларига мурожаат қилиш мумкин.